

171 (1691) 28 август, 1960 йил, якшанба Баҳоси 20 тийин.

КИТОБ—ОММАГА!

Кутубхоналар аҳолининг билим
марказидир. Бу ерга турли касб-

Шаҳар ва район партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари китоб билан савдо қилувчи ташкилотлар ва кутубхоналар иши устидан доимий контроль ўрнатиб, китоббўйларни меҳнатқиллар орасида кенг тарқатишни бошчилиқ қилишлари зарур. Ҳар бир китобнинг ўз китобхонага етиб боришига эришайлик. Китоб — оммага!

Сүнги

ДХБОРОТ

Сеул радиосининг хабар беришча, бүгүн Жаңубий Корея парламентинда демократик партия депутатлари ўзаро муштлашгандилар. Депутатлардан бири мушт кўтариб йўллар министрига хужум қилгандилар кейин тез орада ҳамма муштлашиб кетган. Парламентга маъқуридан полиция депутатлар ўртасидаги «фикр алмашиш»ни ўқутата олмаганини сабабли парламент раиси мажлисни ёпиқ деб ёздон қилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ҳаммаси бўлиб 44 киши мукофотланди.

Коммунистик меҳнат, юксак
маданиятли шаҳар учун!

ЧИРЧИҚ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ
ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

Чирчиқликлар республикамизнинг барча меҳнаткашларига қара-
та коммунистик меҳнат шахри ва қишлоғи учун курашишга чақириб,
нурожаат қабул қилдилар.

Совет шахтёрларига шон-шарафлар бўлсин!



Суратда: Оҳангарондаги 9-шахтанинг илғор новалоотбойчиларидан бир группаси (чапдан ўн-га) А. Жамаюмев, Ш. Гайфуллин, Н. Измайлов, И. Ҳақимов, Х. Абдуллаев, А. Соколова ва К. Қурбонов ўртоқлар. А. Палехов фотоси.

Совет Узбекистана

Октябрь 40 йиллиги, Сталин номи, Наримонов номи ва бошқа колхозларда ҳам йнгим-теримга тайёргарликнинг бориши кўриқдан тўғайди. Колхозчилар сентябрь ойидаяк йиллик лланинг 40 процентига барабар миқдорда пахта териш ва давлатга топширишни мўжжаллайди.

Термиз районидagi Ленин номли колхозда гўза парвариши ях-
дa қўйилган. Бу ҳўжаликда гўза қўلتивациясида 32 трактор
йади. Эгaт олиб била бирга ерга фосфорли угит билан аралаш-
тилган маҳалли ўнгтар солимоқда. Ғўзаларга шарват суви бе-
сусли хан кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда бир тупн бе-
а 18—20 тадан қўсақ боп, бу эса — август ойи бошидагига қара-
да беш тадан қўсақ кўп демaк дир.

Қорақалпоғистон цементі

НУКУС, 26 август.
«СТАТ», Коронадо
устоидаги жуда кўп
хўшхўшларнинг ҳуш-
жарияни қондириш
учун узоқ жойлардан
ил сайин 30 минг
сонидан кўпроқ се-
мент ташиб келирил-
ди. Етти йиллик пла-
ни амалга ошириш-
га яриштириш натижа-
сидан цемент бўлган ҳа-
ҳи айниқса ўсди.

Ҳозирги вақтда а-
воним республика тер-
риториясида цемент
ташиб чиқариш учун
яш кўп хомаша за-
раслари қидириб то-
лиди. Нукус яқинида,

Ҳўжайли раёнлари
или оҳақот
гел қўз
палди. Бу
даги нарб
чик порб
хосил қил
тини бера
издаганин
мида бу
ласари т
тонани т
Олимлар
хассислар
наларнинг
ридан ҳам
ёрлашни т
лар. Қили
ларга му

Учча қувватли бўл-
маган цемент заводла-
ри қурилиш ва уларни
қурилиш ишлари ав-
лоқдрилган районларда
жойлаштириш мўлжал-
ланган. Бу эса бин-
корлик материаллари
ишлаб чиқаришни ан-
ча арзонлаштиради.

ТОШКЕНТ —
ИВАНОВО


Сурагда: (сигдан чага) Б. Александров — «Сельэлектро» Янгйўй район бўлжминистр техникуми, Ф. Гарир — «Сельэлектро» Вичуга район конторасининг бошлиғи, А. Алисов — ивановликлар делегациясининг раҳбари, М. Саидов — «Сельэлектро» Ташкент область конторасининг директори, А. Шубин — «Узглавсельэлектронинг эксплуатация бошқармасы бош инженери.

— Биз, ивановликлар, — дейди делегация раҳбари ўрмон А. П. Алтсов, — ўзбек халқининг аjoyиб меҳмондўстлиги ҳақида кўп эшитган эдик. Бунга биз амалда кўрдик, ҳис қилдик. Тошкентлик мусофирнавошларимизнинг бизга, нисбатан кўрсатган меҳмондўстлигини учун чин қалбимиздан миннатдорчилик билдириб, уларнинг ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.



А Абалян фотоси.

А. ШАЯХОВ.



РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

♦ *Едингида бордир, 1941 йилда Охангарон ҳовзасидан 15 минг тонна кўмир ортилган биринчи эшелон жўнатилган эди. 1950 йилга келиб, ҳовзадан 1 миллион 470 минг тонна ёқилғи олинди.*

♦ *«Ўзбекголь» комбинати коллективи етти йилликнинг иккинчи йилида 3 миллион тоннадан ортиқ кўмир қазиб чиқариш учун курашмоқда.*

♦ *Ўтган йиллар мобайнида комбинат бўйича 70 та рационализаторлик таклифи жорий қилинди. Шу тўғрисида қончилар йилида 1 миллион 945 минг сўм давлат маблағини тежаб қолиш имконига эга бўлдилар.*

♦ *Комбинатда техника янгиликларининг жорий қилиниши натижасида ўтган ойлар мобайнида меҳнат унумдорлигини ошириш плани 106,3 процент бажарилди.*

♦ *9-шахта ва кўмир разрезини учун иккита КРШ-220 ҳамда иккита ЛКМ-250, шунингдек 8 та КСА маркали транспорт олинди.*

ҚУЛАЙ УСУЛ

Кўмирни очик усулда қазиб олиш шахта усулида ёқилғи чиқаришга қараганда жуда катта афзалликларга эга. Бунда меҳнат унумдорлиги беқарор бўлади, бироқ янги маҳсулот таннархи ҳам кескин фарқ қилади. Шу сабабли партия XXI съезди ва ундан кейинги КПСС Марказий Комитети Пленумларида бу усулда ёқилғи чиқариш тинмай кўпайтири бориш лозимлиги алоҳида қайд қилиб ўтилган.

Участкамиз разрезига эгас, балки бутун комбинат бўйича планининг бажарилишида салмоқли роль ўйнайди. Коллективимиз ана шунини ҳисобга олган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш учун эр бериб курашмоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленуми бу соҳадаги ишларимиз учун жанговар программа тузиб берди. Биз Пленум материалларини ўрганиш асосида ўз ишмишни қайта туздик, қаерда қандай резервлар борлигини ҳисобга олдик, иш унумида тўққинлик қилаётган камчиликларни тўғатиш режаларини туздик. Қўндан қўн қочиб қўтормас дейдилар. Қўнлашиб бир мақсад йўлида энг шимаргандан кейин натижа чиқмасдан иложи йўқ экан. Ҳайратимизга-ғайрат қўшаётган ўша натижалар мана: 8 ойлик топшириқни муддатидан анча илгари адо этдик, шу кунгача пландан ташқари бир неча минг тонна кўмир жўнатдик.

Йқинда Охангарон кўмир разрезинда «ЭШ—6/80» маркали кучли одимловчи экскаватор ишга туширилди. Бу агрегат ердаги 30 сутка мобайнида 80 минг кубометрдан ортиқ кон устидаги тошшағал қазиб олинди. Суратда: чақдан (унга) янги техникани муваффақият билан ўлаштирган — машинист ёрдамчиси А. Жўраев, экскаватор машинисти Х. Боймуротов, участка механиги А. Навиков, тоғ мастери Н. Абмайки ва бригада бошлиғи Е. Вильяук ўртоллар.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

„ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ, 28 АВГУСТ, 1960 ЙИЛ.

Охангарон шахтерлари ўзларининг традицион байрамларини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олдилар. Улар КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш учун курашмоқдалар. Суратларда: 1. 9-шахтанинг донгдор новалотбойчиси Қадиром Рафуров. 2. Кўмир разрезини гидросалаш фабрикасининг умумий кўриниши.

В. Лейзерович фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИГА ЗҲР БЕРАМИЗ

Охангарон кўмир ҳавзаси — Ўзбекистон қочқармаси деб аталиши беиз эмас. Республикада халқ ҳўжалигини саноят номи — кўмир билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётган коллективимиз ана шу юксак номга эришмоқда.

Биз етти йилликнинг охирига бориб кўмир қазиб чиқариш 5,7 миллион тоннага етказишни кўзлагамиз. Бунга ишлаб чиқариш жараёнини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш тўғрисида эришни мумкин. Шу сабабли қончиларимиз техникани таниш ҳам тараққий эттиришга эр беришмоқда.

Партиямиз Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини асосий иш программаси деб қабул қилди. Уни муваффақиятли амалга ошириш учун қатор ташкилий-техникавий тадбирлар белгиланди.

Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган коллективимиз улуғ айёмни муносиб кутиб олди. 8 ойлик топшириқ муддатидан олдин бажарилиб, пландагиларни ташқари бир неча минг тонна кўмир қазиб чиқаришди.

Масълумки, кўмир разрезини 9-шахтадан энг йирик разрезлардан бири ҳисобланади. Эндилда ёқилғини очик усулда қазиб олиш шахтадагига қараганда катта афзаллик

ларга эга эканлиги амалда исбот қилинди. Бу янги усулни кент жорий қилиш қанчадан-қанча маблаг ва ишчи кучини тежаб қолиш имконини беради.

Коллективимиз етти йилликнинг иккинчи йилида зиммасига олган мажбуриятини муваффақиятли бажармоқда.

Биринчи ярим йиллик мобайнида 9-шахтада ер ости транспорти таксимлаштирилди. Иккита конвейер линияси автомат усулда бошқаришга кўчирилди. Ер остидаги камқувват, ёқариб қолган транспортёрлар кучли конвейер билан алмаштирилди. Бундан ташқари шахтанинг устки комплекс ишлари дистанцион бошқариш усулига ўтказилиб, қудратли ротор экскаватори монтаж қилинди.

Ҳозир кўмир разрезинда ЭШ 6/80 маркали янги одимловчи экскаватор синовдан ўтказилмоқда. Дастлаб ишчилар кишини қувонтиради. Йиллик жорий қилинган йилга 800 минг сўмга яқин фойда олиш мумкин.

Ўтган ойлар мобайнида разрезда алектроматик системаси ёрдамида бошқариладиган ЭШ-4 экскаватори ишга туширилди. Меҳнат унумдорлиги орди, машинист меҳнати ҳам анча енгиланди.

Муваффақиятларимиз ҳақида гапирганимизда фидокор кишиларимизнинг тилга олма бўлмади. Ҳозир қончилар шахтида ўз сафида 1736 кишини бirlаштирган 95 та бригада, участка ва смена коммунист меҳнат бригадаси номини олиш учун курашмоқда.

Кончилар фахри экскаватор машинисти Алиқўлов ва Дубовский, прохороци Асанов, мустаҳкамловчи Қасанов, йўл мастери Халил Наби ва бошқа ўндаб илгорлар коммунистча ишлаш ва яшашда барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Бир ёқадан бош чиқарган Охангарон қончилари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошириш ва зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун бундан бун ҳам эр ғайрат билан меҳнат қиладилар.

А. ЛЕБЕДКОВ,
«Ўзбекголь» комбинатининг бошлиғи.



Охангарон шахтерлари ҳақидаги ушбу подбора материалларини «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбирлари Т. РАСУЛОВ ва О. САЙДАМИНОВ ўртоқлар тайёрладилар.

ҲАР КАСБНИНГ ЎЗ НАШЪАСИ БОР

Ҳа, жуда тўғри айтишган. Ҳақиқатан ҳам ҳар касбнинг ўз нашъаси бор. Мен йўл мастери бўлиб ишлайман. Дафъатан қараганда бунинг унчалик айтирлик ери йўқдек, ишлаб чиқаришнинг бир меёрда боришига дахлсиздек бўлиб кўринади. Лекин ундай эмас. 18 йилдан бери шу ҳунарда, шу ерда ишлаб келмоқдаман. Менинг хизматим кўпчилигининг унумли ишлаши учун жуда-жуда зарур. Ирмоқлардан дарелар ҳосил бўлганидек, кўпчилигининг меҳнати билан планларимиз ортиги билан бажариламоқда.

Бошқа ерларда бўлганидек бизнинг ишмизда ҳам катта-катта ўзгаришлар бўлмоқда. Илгарилири кон остидаги йўллар фақат ёғоч тўсиналар, синалар билан мустаҳкамланарди. Эндилда бу усул талабга жавоб бермай қолди. Ҳозирги пайтда биз йўлларни темир устулар билан мустаҳкамламоқдамиз. Бунинг афзалликлари жуда кўп. Жўмладан ёғоч кўнга чидамас, уни тез-тез алмаштириб туришга тўғри келарди. Эндилда бунга ҳолат йўқ. Темир устулар билан мустаҳкамланган йўл кўмирга қауувчиларнинг, шунингдек транспортёр, вагонетка каби механизмларнинг бемалол унумли ишлаши учун жуда қулай.

Биз қанчалик тез ва пухта ишласак, новалотбойчиларнинг қўлаб ёқилғи қазиб чиқариши учун шунчалик кўп имконият яратилади. Ана шунини яхши билганимиз учун ҳар биримиз ўз ишмига меҳр қўйганмиз.

Т. ҲАСАНОВ,
йўл мастери.

Иш кунини қисқарди, унум ошди

Жонажон партия ва ҳукуматимиз маънавиятимиздаги ҳар бир оддий меҳнатгаш тўғрисида қанчалар ғам-хўрлик қилмоқда. Унумли ишлаб, маданий ҳордиқ чиқариш учун ниямин лозим бўлса, ҳаммаси яратиб берилмоқда. Бунинг ҳар биримиз сезиб ҳа хис қилиб туришимиз.

Етти йилликнинг улуғ режалари асосида коллективимиз алақадон олти соатлик иш кунига ўтган. Сиздан угина, биздан бугина деган гап бор. Шундай экан, биз ҳам ўз навбатида қардор бўлиб қолаемиз керак. Худди шундай қилаемиз ҳам. Мана рақамларга назар ташланг. Илгари сменада ҳар биримиз 11 тонна кўмир қазиб чиқарар эдик. Иш кунини қисқариб, у олти соат бўлган, бу кўрсаткич камайиш ўрнига кўпайди. Ҳозир ҳар биримиз сменада 12-13 тоннага етказиб ёқилғи қазимоқдамиз. М. Ўриқбоев, Т. Абдиев ва А. Гариев каби меҳнат новалотбойчиларимиз бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Бригада аъзоларининг ўқиши, билим олиши, савиясини ҳар тарафлама ошириши учун жуда катта имкониятлар вуҷудга келди. Эндилда биз ҳам илгор корхона коллективларидан намуна олиб, коммунист меҳнат бригадаси деган шарафли ном учун курашмоқдамиз. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун! — бунинг қатъий шпор қилиб олдик.

Ж. БОЙМАНОВ,
9-шахтанинг новалотбойчиси.

Охангарон шахтерлари ҳақидаги ушбу подбора материалларини «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбирлари Т. РАСУЛОВ ва О. САЙДАМИНОВ ўртоқлар тайёрладилар.

ЭРТАГА КИТОБ САВДОСИ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ

КИТОБ САВДОСИНИ НАМУНАЛИ ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК

Эртага Тошкентда китоб савдоси ходимларининг биринчи республика кенгаши очилади. Бу катта йилнинг китоб савдоси ходимлари, шу жўмладан наشريёт, босмахона саноатининг барча ходимлари ҳақида муҳим воқеадир. Чунки кенгашда китоб наشري ва унинг савдоси билан шуғулланувчи ходимлар фаолиятига оид муҳим масалалар атрофида муҳокама қилинади.

Коммунист партия ва Совет ҳукумати китобларни сифатли нашр этиш, уларни омма орасида кент тарқатишга алоҳида аҳамият бериб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда кутубхона ишларининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори барча кутубхона, маданият муассасалари ходимлари учун жанговар иш программаси бўлиб қолди. Москвада ўтказилган китоб савдоси ходимларининг Бутуниттифок кенгашига КПСС Марказий Комитети томонидан юборилган табрикда ҳам омма орасида адабиётларни тарқатувчи ходимларнинг фаолиятига юксак баҳо берилди. Мазкур табрикда китоб савдоси ходимлари сийси илмий-оммабоп, бадий китобларни тарқатишда партиянинг энг яқин ёрдамчилари эканлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Бу кенгаш қатнашчиларининг китоб савдоси, наشريёт ва босмахона саноатининг барча ходимларига, барча китоб дўстларига Мурожаати қабул қилинди. Республикада китоб савдоси ходимлари ҳам ана шу Мурожаатга яқдиллик билан қўшилиб, китоб пропагандаласини кучайтирмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг умумий таълимоти ва ишлаб чиқариш малакасини оширишда китобнинг роли беизҳик қатъий. Шу тўғрисида машҳур педагог Н. К. Крупская «Ўқинишда китоб жангдир» деган зарур деган эди.

Кишиларимизнинг турли жанрдаги адабиётларга бўлган талаби кун сайин орғиб бормоқда. Кутубхоналардан китоб олиб ўқувчилар, магазинлардан китоб харид қилувчилар тобора кўпайиб бормоқда.

Ўтган йили республикадаги мавжуд 8 наشريёт томонидан 1908 нолда 21,8 миллион нусхада китоб босилиб чиқди. Буларнинг 850 нолда 13,4 миллион нусхаси ўзбек тилида нашр қилинди. Ўша йилнинг ўзиде 4 миллион 20 миллион сўмлик китоб сотилди.

1960 йил кўрсаткичлари ҳам кишини қувонтиради. Фақат ўтган етти ой мобайнида 65608 минг сўмлик китоб харидорларга тарқатилди. Бу ўринда «Ташоабкинготг» ходимларининг фаол хизмати алоҳида эътиб ўтин лозим. Ҳозирги кунда бу ташкилот иккитерида 18 та китоб магазини бор. Кейинги икки ой ичюда бу магазинлардан 7 тасида приваизас савдо қилишга ўтди. Бу тадбир савдо ходимлари учун ҳам, харидорлар учун ҳам жуда қўл келмоқда.

Шаҳардаги 1-директори ўртоқ Усмонов), 8-директори ўртоқ Нуриддинов), 15-директори ўртоқ Эрматов) магазинларда китоб пропагандасини яхшилаш мақсадида янги китоблар рекламасини тузиш ташкил этилди. Савдо ходимлари бу китобларнинг қисқача маъмунини ёзиб, кўриниб қолганга қўйиб қўйди. 9-магазин реклама усулини қўлаб китоб савдосида яхши натижаларга эришти. Масала, ёзувчи М. Исмоилнинг «Фарғона тоғ оти» ва П. Қодировнинг «Уч янги» романилар белгилангандан анча кўп миқдорда сотилди.

Китоб пропагандасини кучайтиришда штатсиз китоб сотувчиларнинг хизмати ҳам каттадир. Антиларнинг қўлайтириш йўли билан қолхоз ва совхозларда китоб савдоси яхши бўлга қўйилмоқда. Саноят корхоналаридаги жамоатчи китоб тарқатувчиларнинг ёрдами билан ишчи ҳамда хизматчиларга кўп миқдорда тарқатилган адабиётларни иш жойига элтиб бериш йўлга қўйилди. Чунки, Октябрь революцияси номли заводда шу йилнинг ўзюда 25 минг сўмлик китоб тарқатилди.

Ана шу каби тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида «Ташоабкинготг» магазинларида етти ой мобайнида 26 миллион 375 минг ўринга 27 миллион 815 минг сўмлик адабиётларни сотишга муваффақ бўлинди.

Китобхоналарнинг турли жанрдаги адабиётга бўлган талабини қондиришда наشريёт ходимлари олдида ҳам катта вазифалар турибди. Ўзбекистон ССР Давлат наشريёти марксизм-ленинизм классикари асарларини сифатли босиб чиқариб китобхоналарнинг хизмати сазовор бўлиб, Лекин кўпчилигини қўнқариётган илмий-техника, илгорт-тажриба, саноят ва қишлоқ ҳўжалигининг ақтуал темаларида деяр брощурлар етарли нашр қилинмаётган. Бу шунинг кўрсаткичи, биз ҳали меҳнаткашларнинг маънавий талабини тўла қондира олмаётганимиз. Шу тўғрисида биз наشريёт ходимлари билан алоқани таниш ҳам кучайтириб, меҳнаткашларни қизиқтириётган илмий-оммабоп асарларнинг қўлаб нашр этилишига эришмоғимиз лозим.

Ишонамизки, китоб савдоси ходимларининг республика кенгаши олдимизда турган асосий вазифаларни конкрет белгалаб беради.

М. ИБРОҲИМОВ,
нинг ўринбосари.

— Қайси китоб, боришорани олмасиз, марҳамат, кўринг, танланг, — магазин сотувчилари жовонларга тартиб билан тегирилган китобларни кўрсатиб харидорларнинг изига ҳавола қилишди. Китоб харид қилувчилар эса мамнулик билан юзлаб китоблар орасидан ўзларини севган авторларининг асарларини, зарур адабиётларни тезда топиб олишди.

Тошкентдаги 1-китоб магазинида яқинда ана шундай янги савдо методи қўллана бошладилар. Харидорлар истаган китобларини ўзлари танилаб сотиб олишлари учун магазин қайтадан реконструкция қилинди. Китоблар соҳаларга қараб алоҳида-алоҳида жовонларга тегиб қўйилган. Харидор сотувчига мурожаат қилиб ўтирмасдан, ишчи дарҳол битказди.

— Янги метод харидорларга ҳам, сотувчиларга ҳам катта қулайлик туғдирапти, — дейди

ЎЗИНГИЗ ТАНЛАНГ

магазин директори ўртоқ Мухтор Усмонов. — Бир бўлимдаги харидорларнинг изига ҳавола қилишди. Китоб харид қилувчилар эса мамнулик билан юзлаб китоблар орасидан ўзларини севган авторларининг асарларини, зарур адабиётларни тезда топиб олишди.

Китоб магазини китобхоналарга маданий хизмат кўрсатишни тобора яхшиламоқда. Бу ерда кишиларнинг ўйларига заксалари бўйича китоб олиб бориб бериш йўлга қўйилган. Бунинг учун махсус автолавка ва мотороллер ажратилган. Бундан ташқари Совет Иттифоқининг ҳамма шаҳарларидан китоблар сўраб хат ёзиб юборган кишиларга ҳам китоб-пochта орқали жавоб қилинади.

М. АБЗАЛОВ.

Улғуржи ярмарка

Тошкентдаги Округ офицерлар уйида 31 августда улғуржи китоб савдоси ярмаркаси очилади. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва «Ўзбекбиролаш» томонидан ўтказилган бу ярмарка икки кун давом этади.

Меҳнаткашларга сотиладиган адабиётларнинг рўйхати тузиб чиқилди. Ярмаркага 100 дан ортиқ нолда нашр этилган асарлар келтирилади. Шунингдек, Тошкент меҳнаткашлари бу ерда қардор республикаларда босилган турли бадий ва оммабоп асарларни ҳам харид қилишлари мумкин. Бу адабиётлар билан қардор республикалардан келган ходимларнинг ўзлари савдо қиладилар.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиё республикаларида янги нашр қилинган китобларни қабул қилиб олиш давом этмоқда.

Бу ерда китоб савдоси ходимлари республика кенгаши қатнашчилари билан китобхоналар унрашувлари ҳам уюштирилади. Шунингдек, ярмаркада СССР халқлари ёзувчилари асарлари асосида катта китоб вис-тавкаси ҳам ташкил этилади.

М. МИРҲУЖАЕВ.

Янги китоблар

Ўзбекистон ССР Давлат бадий адабиёт ва Давлат наشريёт кўнгидаги китобларни нашр этиди:

Михаил ПОЛОХОВ. — «Асарлар тўплами, Тинг Дон». Биринчи китоб, (саккиз томлик асарнинг иккинчи томи), 478 бет, тиражи 60.000, баҳоси 9 сўм 20 тини.

Иброҳим РАҲИМ. — «Оловкор». Қисса, 77 бет, тиражи 15.000, баҳоси 90 тини.

Ҳамид ЎҒЛОМ. — «Машъал». Роман, биринчи китоб, иккинчи нашр, 323 бет, тиражи 20.000, баҳоси 7 сўм 40 тини.

Ҳолид РАСУЛ. — «Бахт наъаси». Шерлар, 102 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 80 тини.

Константин СИМОНОВ. — «Танланган шеърлар». 191 бет, тиражи 10.000, баҳоси 6 сўм 70 тини.

ҲАВИБИЯ. — «Танланган асарлар» (шער ва достонлар) тўплами. 361 бет, тиражи 10.000, баҳоси 9 сўм 50 тини.

М. ВАХОБОВ. — «Ўзбек содналистик миллати». 535 бет, тиражи 5000, баҳоси 8 сўм 65 тини.

М. ҲАКИМОВ. — «Дуст Мухамедович Ўстабоев». 65 бет, тиражи 3000, баҳоси 1 сўм 50 тини.

Ғ. АБДУЛЛАЕВ. — «Етти йиллик — икки йилда». (Тошкент обл. ласты, Калинин районидан Қарл Маркс номли қолхоз тажрибаси). 39 бет, тиражи 3000, баҳоси 35 тини.



Китоб савдоси ходимлари республика кенгаши очилиши арафасида Чирчиқ шаҳрида харидорлар ўзига-ўзи хизмат қилувчи янги китоб магазини очилди. Суратда: харидорлар ўзлари ёқтирган китобларни танилаб олмоқдалар. Г. Ястребов фотоси.



ИЛГОРЛАР ВА ҚОЛОҚЛАР

Вақтида экилиб, сифатли парварин қилинган маккажўхорилар силосбон бўлиб етишди. Шунинг учун ҳам Чиноз районидagi Ленин номи колхозининг аъзолари фурсатни танимат билиб, силос бостиришни ҳар тарафлама кучайтирмоқдалар.

Ўртоқ М. Уталиев бошлиқ маккажўхори егувчи бригада аъзолари бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар.

Мана, силос бостирилатган жой. Трактор бир оҳангда овоз чиқариб, тўхтовсиз ишлаб турибди. Тракторчи ўртоқ Бозор Хўжақулов умумий меҳнат қилиб, иш суръатини тобора тезлаштирмоқда. Уч машина, 6 арава, 2 автокачка ва 2 та чана маккажўхори пояларини ташиб келтирмоқда. Аравақашлардан Р. Саримов, Ш. Исмолов, М. Икенов ўртоқлар топириқни яхши бажариб, ҳарматта сазовор бўлаёттилар. 3 Қодиров, Б. Исоқов ва Х. Ибодов ўртоқларнинг ишларидан ҳам ҳамма мамнун. Фидокор колхозчилар чорва қишлоғига мўл-кўл ем-хашак ва силос бостириш учун ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Уларнинг ҳалол меҳнати туфайли силос ўралари бериш-кетин тўлмоқда.

Навоий номи колхозининг чорваларлари ҳам силос бостиришда олдинда бораёттилар. Колхоз бу йил ўтган йилгадан анча кўп — 2,5 минг тонна силос бостириш учун зарур тадбирларни кўраётти.

Бироқ райондаги айрим колхозларда силос бостириш галга солинмоқда. Бунга Ўзбекистон номи колхозининг мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Колхозда силос бостириш 1 августдан бошланиши керак эди. 6 та силос ўраси «цемент бўлмаганидан» ҳам гишт билан тайёрланди. Ҳозир силос ардоғиз ўрага тўқилляпти.

Колхознинг ем-хашак бригадаси бошлиғи ўртоқ Т. Ҳасанов маккажўхориларни парварин қилишга бепарволик билан қаради. Вақтида парварин қилинмаган жўхорилар ўсмай, ҳосили кам бўлди. Шу сабабли планда белгиланган 1400 тонна силос бостириш хавф остида қоляпти.

Колхозда чорва моллари учун ем-хашак тайёрлаш ҳам кўнгилдангидек эмас. 221 гектар ўринга 71 гектар ерга беда экилди. Экилган бедалар ҳам вақтида сугорилмаганидан мўлжалланган ҳосил чиқмаётти. Колхоз раҳбарлиги (район ўртоқ Э. Шамиев) чорва қишлови учун мўл-кўл ем-хашак ва силос бостириш пайсалга соляётгани сабабли ситирлардан жуда оз миқдорда сут олинмоқда.

Силос, ем-хашак — сўт, ёр-макдир. Силос бостириш учун ҳозирги кунлар ғанимат. Бу соҳадаги камчиликлари бартараф қилиб, чорва қишлови учун мўл-кўл озуқа бозаси тайёрлаш зарур.

Т. ИММОВ.

Ғайратга-ғайрат қўшиб...

Бригадада кундан-кунга иш қизи-моқда. Ҳозиргача ҳар бири 1000 тоннага мўлжалланган 3 та траншея силос билан тўлган. Маккажўхориқорлар ғайратларига ғайрат қўшиб ишлаб, юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Ҳар кун 100—150 тонна силос бостирилоқда.

Оржоникиде райондаги «XXI партсез» совхозининг 2-бўлимидаги бу бригадани бошқариб Т. Ғамов бошлиқлик қилади. Маккажўхори парваринини сифатли ўтказиб, мўл-кўл силос бостириш учун курашаётган бригада ишчиларидан ўрнак ола аришди.

Н. ШОРАСУЛОВ.

СИЗ ҚАНЧА СИЛОС БОСТИРДИНГИЗ?

(27 августга бўлган маълумот, процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши
Юқори Чирчиқ	101,0
Қуйи Чирчиқ	87,5
Ўрта Чирчиқ	56,0
Янгиер шаҳри	52,9
Сидарё	49,9
Бекобод	49,2
Бўна	49,0
Оққўрғон	47,0
Янгиёул	43,3
Бўстонлиқ	42,7
Пискент	39,3
Оҳангори шаҳри	38,5
Оржоникиде	38,1
Чиноз	35,9
Калинин	34,3
Гулистон	34,3
Олмалик шаҳри	15,9
Область бўйича	49,8

ЎЗАГА ИШЛОВ БЕРИШНИ ИИГИМ-ТЕРИМ БОШЛАНГУНЧА ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК!



Ҳа демай йигим-терим бошланган кунлар ҳам етиб келди. Бу кунини ошқиб кутаётган кўпнинг килграммичи теримчилар оз дейсизми. Мана суратда улардан бир гуруҳаси, Янгиёул районидagi Хрущёв номи колхозининг чевар теримчилари: (чапдан) Д. Аҳмаджонова, Х. Маҳкамова, Х. Ўганбоева, О. Кенжабоева, Н. Мирсулаймонова, Т. Ғамбердиева ва У. Махсуджонов ўртоқлар даладаги ҳосилини кўздан кечирмоқдалар. Х. Эратиев фотоси.

ДАЛА ШИЙОНИДА

Мана бу дала шийони ўртоқ Турсун Усмонов бошлиқ бригаданики. Бу ерда пахтакорларнинг маданий дам олиб, кўнгилли ҳордиқ чинаришлари учун барча қулайликлар яратилган. Радио ишлаб турибди. Почта ош галга ва журналларни ўз вақтида келтираётти. Узун бир соғда қишлоқ хўжалиги темасига онд адабиётлар қўйилган. «Хурмат тахтаси»да дала ишларининг кунлиги якуни ёзилиб турибди.

Шийон ёнидаги катта ҳовуз атрофида меҳр билан ўтказилган райхон ва гулларнинг хушбўй ҳиди думоқча уради. Шийоннинг нағири хонаси ўсти. Унда болаларнинг соғлом ўсиши, куннинг дам олиши учун ҳамма нарс мўҳабб. Иккинчи қават аса колхозчилар учун ажратилган. Бу ерда кўнгилли дам олиш, телевизор кўриш мумкин.

Бригада аъзоларининг бўш вақти ана шу ерда ўтади.

Бу ерда бригада бошлиғи ўртоқ Усмоновнинг ўзи агитаторлик қилади. У дала шийонини намунали бозорга, кетма-кет сув қўйиш ҳолати ва бермоқда. Ворошилов номи колхозда шундай аҳволга йўл қўйилгани учун кўпгина ердаги ўзалар соғлам кетган.

«Пискент» совхозининг айрим бўлимларида ўза чанқатиб қўйилган, чеканка кечиктирилган. Совхозининг 6-бўлимида кейинги ўн кунликда олдинги ўн кунликка нисбатан 813 гектар қўдалангига, 902 гектар узунасига кам култивация қилинган. Ўзани сугорилиш ҳам бу бўлимда пайсалга солинмоқда. Бундай аҳвол бошқа бўлимларда ҳам рўй бераётти.

Совхозда машина билан пахта теришга тайёрлик ҳам қониқариб эмас. 57 та пахта териш машинасида ҳозиргача фақат 30 таси ремонт қилинган.

Колхозларда ва совхоз бўлимларида шундай аҳвол юз бераётгани туфайли август ойи учун белгиланган тадбирлар тўла амалга ошмаётти.

Пискентликлар ўз ваъдаларининг устидан чиқиб учун буншаушчиликка барҳам беришлари, ўза парваринини йигим-терим бошлангунча давом эттиришлари лозим.

Т. ҚОСИМОВ, А. ҚОЗИМОВ.

ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚУШИШ УЧУН

Янгиер шаҳридаги «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Жаалилов бошлиқ бригадаси даладаги айни кунларда ҳам иш авжиди. 88 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган бригада аъзолари ўза парваринини қизғин давом эттирмоқдалар. Айниқса, улар ўзага шараф сўзи оқишига катта аҳамият бермоқдалар.

Бу бригадада 80 процент майдондаги пахта машинада теришга ажратилган. Шунинг учун ўза машина теримига мослаштирилиб парварин қилинмоқда. Чеканка сифатли ва ўз вақтида ўтказилди.

Колхознинг Ф. Сулоров, Қ. Маҳкамов ва У. Ёшбеков ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам терим бошлангунча ҳосилга-ҳосил қўйиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Х. САГИЗОВ, Н. УМИТОВ.

МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЕРГАРЛИКНИ ТЕКШИРАМИЗ

САНАМАЙ САККИЗ ДЕГАНЛАР

— Қайси тракторчи култивация қилаётти, — ажабланиб сўради Ёшбеков, — мен далаи айланиб келдим, битта ҳам тракторчи далада кўринмади-ку?

Кўриниб туриптики, колхозда техника ремонтчи ўзбўларчиликка ташлаб қўйилган. Ремонтчиларнинг тажрибасизлиги ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Улар мураккаб аппарат билан таниш эмаслар. Запас қисмлар аса вақтида етказиб беришмайди. Сталин уштакисидagi икки аппаратга қўл уривганининг сабаби ҳам шунда. Ремонт бошланганига бир ойдан ошса-ю, 10 та пахта териш машинасининг энди бешта аппарати ремонт қилинди! Бу қандай суръат? 16 та қўсақ чувилдиған машинанинг 13 таси наваб кутиб ётганини қандай баҳолан кесар? Ахир етиштирилган ҳосилини техникаси барвақт йигиб-териб олиш мумкин эмаску.

Райондаги бошқа колхозларда ҳам шундай камчиликлар содир бўляпти. 24 машинадан 22 таси ремонт қилиниши зарур. Графикка кўра 1 августда ремонт тугалланиши керак эди. Вақт арта дейишми, қалбаки радам ва маълумотларга махлиб бўлишимиз, ҳарқалай

график чипакка чиқди. Бепарволик натижасида РТСга ремонт қилинган 12 аппаратдан атиги 5 таси тракторларга ўриштирилибди. Колхозлардаги универсалларнинг ишдан тўхтаганига аса анча вақт бўлди. Бироқ колхоз раҳбарлари бўш турган тракторларни РТСга ўриштирилиш ҳам галга соляптилар.

Мавжуд 42 қўсақ чувилдиған машинадан энди 25 таси ремонт қилинган. 17 машинага ҳали қўл тегишгани йўқ. «Сталинград» колхозидagi 3 та қўсақ чувилдиған машинасини РТСга юбориш анчадан берди галга соляптилар. Колхоз раҳбарлари ана-мана деб ҳалғача юборганлари йўқ.

Кези келганда шунинг ҳам айтиш керакки, ремонт қилинган пахта териш ва қўсақ чувилдиған машиналарга давлат комиссияси томонидан текширилиб, қабул қилинмаган, ремонт сифати яхши эмас.

Машина билан пахта териш юзасидан олдинги мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши механикни ҳайдовчи кадрларнинг билими ва иш тажрибасига ҳам боғлиқдир. Район партия, совет ташкилотлари ва колхозларнинг раҳбарлари машиналардан яхши сменда фойдаланиш учун етарли кадр тайёрлаш-

СССР Ташқи ишлар министрлигинда

Матбуотда илгари хабар қилинганлигидек, 1959 йил октябрь ойида АҚШнинг Москвадаги элчихонасининг атакдеси Р. А. Ланжелли Совет Иттифоқидан чиқариб юборилган эди. У Америка агентли билан уграшиб, унга жоусулик иши юзасидан инструкция, махфий белгилни ёзув восталари ва кўп миқдорда пул бераётганида қўлга тушган эди.

Қамоққа олинган Америка агентли иши юзасидан тергов натижасида компетентли органлар бу ишга АҚШнинг Москвадаги элчихонасининг бошқа ходимлари ҳам, жумладан,

элчихона атакдеси Ж. П. Уинтерс ҳам алоқадор акалликни аниқлади. Уинтерснинг фаолияти дипломатик ходимлар статусига тўғри келмаганили учун СССР Ташқи ишлар министрлиги Ж. П. Уинтерсга Совет Иттифоқидан чиқиб кетилини тақлиф қилди.

СССР Ташқи ишлар министрлиги АҚШнинг Москвадаги элчихонасининг элчихонадаги дипломатик ходимларнинг бундай ҳаракатларига йўл қўйиш мумкин эмаслигига яна қаратди.

Халқаро ахборот

Африка мустақил давлатлари конференцияси

ЛЕОПОЛЬДВИЛЬ. 26 август. (ТАСС). Конго Республикасининг беш министри Лумумба Леопольд-вилда очилган Африка мустақил давлатлари конференциясида сўзлаб, конференция қатнашчиларини — Гвинея, Гана, Бирлашган Араб Республикаси, Либерия, Судан, Марокко ва бошқа мамлакатларнинг вакилларини қизғин табриклади. Бутун Конго халқи учун шундай оғир пайтда силарнинг бу ерга тўпла-нишингиз, — деди у, — дўстларингиз ва мадақдорлигингизни кўрсатишчи жонли далиллар.

Африка халқларининг 1958 йил декабрь ойида Аккрада бўлиб ўтган ҳамда Африкани озод қилиш йўлидаги давр отган тарихий конференциясида бошлаб, — деб таъкидлади беш министри, — Африка мамлакатларининг миллий озодлик ҳаракати тагин ҳам кенг, мийёсда ривожланиб келган. Халқларнинг озодликка бўлган бу иштирокини ҳеч нарс тўхтата олмайд. Ҳозирги конференциядан кузатишган асосий мақсад Африкани янада озод қилиш учун курашга барча Африка халқларининг куч-ғайратини бirlaштиришдан иборатдир. Бельгия мустамлакачиларининг қўл билан ҳаракат қиладиган империалистик давлатларнинг ҳозирги биргаллиқдаги кирдиқорларига қарши, — деди Лумумба, — биз озод халқларнинг ягона. фронтини қарам-қарши қўйишимиз лозим. Озодлик душманларига биз сафаримизни мустақамлаш билан жавоб беришимиз лозим.

Лумумба ўз сўзининг охириги қисмида Африка қитъасини мустамлакачилардан тўла равишда озод қилишга чакирди. Унинг бу сўзлари шу ерда ҳозир бўлганлар томонидан гулдурс. қарсаклар билан кутуб олинди.

Ундан кейин Африка мамлакатларининг вакиллари сўзга чиқиб, қардош Африка халқлари Конго аҳолисининг ўз мустақиллиги учун олиб бораётган қарамонона кураши билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар. Гана, Судан, Бирлашган Араб Республикаси, Гвинея ва Африка қитъасидagi бошқа давлатлар вакилларининг ҳаяжонли сўзлари конференция минбаридан жаранглаб эшитилди. Улар бутун Африка халқларининг куч-ғайратини Африкани тўла озод қилиш учун олиб бораётган умумий курашда бirlaштиришга чакирдилар.

Африка мустақил давлатлари конференцияси маҳаллий аҳоли ўртасида эфр қизқинч тугдирмоқда. Конференция бўлаётган маданий маркази биноси ёнига тўпланган мингларча конголиклар Африкадаги қардош халқларнинг вакилларини қизғин табриклади. Леопольдвилда аҳолиси афродитларга қўйилган деворларига ва жуда кўп транспортларга ёзиб қўйган широрлар. Конго халқининг ўз ватанининг бутунлиги учун ва мустамлакачиларга Африка қитъасидан ҳайдаб юбориш учун кураш олиб бораётган қатъий қарор берганилини ифодаляди.

П. Лумумба баёоти

ЛОНДОН. 26 август. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан билишчишига, Конго Республикаси беш министри Патрис Лумумба Африка мустақил давлатлари конференциясининг очилишида сўзга чиқиб, конференциянинг асосий вазифаларига тўхталган.

Беш министр конференция қатнашчиларини қуйидаги масалаларни муҳокама қилишга даъват этган: «Мустақиллик ва бирлик учун курашаётган Африка мамлакатларини тўла равишда қўлаб-қувватлаш; тўла мустақиллигини қўлга киритиш учун зарур бўлган бетарафлик сиб-

сатини қўлаб-қувватлаш; Африка мамлакатлари ўртасида мустамлакачи давлатлар томонидан вужудга келтирилган ҳар қандай ғовларни бартараф қилиш; Африка мамлакатлари ўртасида савдо битимлари тузиш; Умум Европа бозорига муносабат; Африканинг бirlaшган ҳарбий қўмондонлигини тузиш; Леопольдвилда Африка радио эшиттириш станциясини барпо этиш; Конго пойтахтида барча Африка мамлакатларининг вакиллари бўлган илмий-тадқиқот марказини вужудга келтириш».

ГРЕЦИЯДА Н. С. ХРУЩЕВНИНГ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИДА ҚИЛГАН ДОКЛАДИ НАШР ЭТИЛДИ

АФИНА. 26 август. (ТАСС). Грециядаги «Эпистемоник индус» нашриёти Н. С. Хрущёвнинг «Ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқларни бекор қилиш ва совет халқи фаровонлигини оширишга қаратилган бошқа тадбирлар тўғри-

сида» 1960 йил 5 майда СССР Олий Совети сессиясида қилган докладыни кўп нусхада нашр этди.

ЭЙЗЕНХАУЭР НГО ДИНЬ ДЬЕМНИ РҲХЛАНТИРМОҚДА

ЛОНДОН. 26 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Вашингтондан хабар беришича, президент Эйзенхауэр «коммунизмга қарши курашда» нгодиньдёмчиларга қўшма Штатлар бундан кейин ҳам ёрдам қилади деб ваъда берган. Президент Жанубий Вьетнам парламентининг олти аъзоси билан кеча бўлиб ўтган учрашуви вақтида ана шу ваъдани берган.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Франциянинг пахтачиликни ривожлантириш компанияси директори Жак Карбон-Ферьер ва бу компаниянинг техник директори Гастон Гран-Кремант Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги билан танишини учун республикага келдилар.

Француз мутахассислар Ўзбекистоннинг бир қанча илмий-тадқиқот институтларида ва колхозларда бўлишлар.

Санъатшунос Делла Бергола бошчилигида Италия санъатшунослари делегацияси Ўзбекистонга келди. Меҳмонлар республида бўйлаб саёҳат қилдилар. Ўзбек халқи санъатининг ривожланиши билан танишдилар.

Ҳоҳира миллий кутубхонасининг беш директори профессор Муҳаммад Хусанов 27 августда Ўзбек давлат халқ кутубхонасида бўлиб, республиканинг маданий ҳаёти билан танишди. Иккинчи кун Бирлашган Араб Республикасида келган меҳмон Тошкентдан ташқари Самарқандда ҳам бўлади.

„ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ“

3-БЕЛ. 28 АВГУСТ, 1960 ЙИЛ.

